

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий
Кенгашининг раиси**

У.Қ.Мингбоевга

Бекходжаев Кабилджан Собировичдан

Тошкент ш. Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси 17-уй

Ш И К О Я Т

(Тошкент шаҳар иқтисодий суди судьяларининг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан)

Ассалому алайкум, ҳурматли Убайдулло Қурбонович !

Судьяларнинг *(Тошкент шаҳар иқтисодий суди ва Олий суд судьяси)* адолатсизлиги, Қонунларга, “Судьялар одоб-ахлоқ Кодекси” талабларига риоя қилмаётганликлари ва бунинг натижасида ноқонуний қарорлар қабул қилиб менинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларимни бузганликлари сабабли Сизга мурожаат қилишга мажбур бўлдим ва Сиздан уларга нисбатан қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Қолаверса Ўзбекистон Республикасининг “Судьялар Олий кенгаши тўғрисида” ги Қонунининг **7-моддасига** кўра Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун **жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир мурожаатларини** кўриб чиқади.

Мен даъво аризам бўйича чиқарилган қарорга нисбатан келтирилган шкоятни Тошкент шаҳар иқтисодий судида кўриб чиқилишида иштирок этиб, судьяларни қонунни қандай бузганликларини гувоҳи бўлиб, уларнинг хатти-ҳаракатларида мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, расмий ҳужжатларни сохталаштириш ва шу асосда ноқонуний қарорлар қабул каби жиноят аломатлари бор деб ҳисоблайман.

Шу сабабли Сиздан ушбу шикоятимда келтирилган важларимни судьяларнинг ИПК назарда тутилган процессуал ҳатти-ҳаракати сифатида **баҳоламасдан қуйидаги асосларга** кўра шикоятимни виждонан, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиб, судьяларга нисбатан **хизмат текшируви ўтказишингизни** ва уларга нисбатан қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Жумладан, “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси” **6-моддаси** (Судьянинг холислиги ва беғаразлиги принциплари) га кўра “судьянинг **холислиги** ва **беғаразлиги** одил судловни тегишли тарзда амалга оширишнинг мажбурий шартларидир. Судьянинг **суд муҳокамасидаги** ҳамда хизматдан ташқари вақтдаги хулқ-атвори жамият ва процесс **иштирокчиларининг судьянинг** ва суд ҳокимияти органларининг **холислиги ва беғаразлигига** бўлган ишончини мустаҳкамлашга имкон яратиши зарур.

Кодекснинг 7-моддаси (Тенглик принципи) га кўра “Адолатли суд муҳокамаси ва барча шахсларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш одил **судловни холис ва беғараз** амалга оширишнинг асосий шартидир.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг **8-моддаси** (Судьянинг адолатлилиги) га кўра “Судья ўз мажбуриятларини адолатли, тезкор, виждонан ва юқори профессионал даражада бажариши керак.

Судья суд мажлисларини ташкил этиш ва ўтказишга пухта тайёргарлик кўриши, суд процесси иштирокчиларига ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифодалашини учун тенг имкониятлар бериши, ишларни қонунда белгиланган процессуал муддатларда кўриб чиқиши, ишни кўриб чиқишни **асоссиз ва сурункали қолдирилишига йўл қўймаслиги, қонуний ва адолатли қарорлар** чиқариши ҳамда уларни манфаатдор шахсларга ўз вақтида юборилишини таъминлаши шарт.

Бироқ, Тошкент шаҳар иқтисодий судининг апелляция судлов ҳайъатида (судьялар Л.Абдуллаев, Р.Рашидов ва А.Нарзуллаев) Қонун ва ушбу Кодекс талабларига батамом зид хатти-ҳаракатлар содир этилди.

Хусусан, судлов ҳайъати 19.03.2020 йил куни суд мажлисида тарафлар музокарасини ўтказиб, қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага кирди ва бироз вақт ўтиб маслаҳатхонадан чиқиб, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш ва текшириш зарурати юзага келганлиги важи билан суд муҳокамасини янгидан бошлайди ва суд мажлисида 24.03.2020 йил кунига қадар танаффус эълон қилди.

Кейинги суд мажлиси Коронавирус пандемияси муносабати билан Республикада Карантин эълон қилинганлиги сабабли фақатгина 14.05.2020 йил куни бўлди. Бу куни суд терговини тиклаш учун сабаб қилиб кўрсатилган далиллар талаб қилинмади, текширилмади. Такроран маслаҳатхона кириб, чиқиб биринчи босқич судининг қарори бекор қилинганлиги, даъво рад қилинганлиги ҳақидаги ўз ажримини эълон қилди.

Бу ҳаракатлар балки процессуал хатти-ҳаракатлардир. **Лекин фикримча жиний жавобгарликка сабаб бўлувчи ноқонуний ҳаракатлар** ундан кейин содир этилди.

Яъни, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ишни **асоссиз равишда бошқа кунга қолдириш, чўзиш ва сансалорликка йўл қўйишда** ифодаланган **шубҳали хатти-ҳаракатларини яшириш мақсадида** суд мажлиси баённомасига 19.03.2020 йил куни судлов ҳайъати суд **музокарани ўтказганлиги, маслаҳатхонага кирганлиги**, кейин чиқиб суд муҳокамасини янгидан бошлаганлигини ва суд мажлисини **24.03.2020 йил кунига қолдирганлиги** ҳақидаги маълумотларни **киритмасдан**, расмий хужжат ҳисобланган **суд мажлиси баённомасини сохталаштирди**.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати аъзолари расмий хужжат ҳисобланган “Суд муҳокамасини янгитдан бошлаш ҳақидаги **ажрим**” ни йўқ қилдилар.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 177-моддаси 3-қисмига кўра “Суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда далилларни қўшимча текшириш ёки иш

учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш зарур деб тан олиб, суд муҳокамасини янгидан бошлайди, бу ҳақда ажрим чиқаради” Бундай ҳолда суд муҳокамаси фақат қўшимча текшириш эҳтиёжи бўлган ҳолатлар доирасида олиб борилади”.

Судлов ҳайъати 19.03.2020 йил куни маслаҳатхонага кириб, сўнг шу куни чиқиб суд муҳокамаси тикланганлигини эълон қилди. Судлов ҳайъати ЎР ИПК га асосан иш олиб боради. Демак, шу куни ИПКга асосан маслаҳатхонада суд муҳокамаси тикланганлиги ҳақида **ажрим** ёзилган, акс ҳолда судлов ҳайъати бизга суд муҳокамаси тикланганлигини ҳақидаги ажримини ўқиб эшиттирмаган бўларди.

Судлов ҳайъати суд мажлиси баённомасига 19.03.2020 йил куни судлов ҳайъати маслаҳатхона кирганлиги ва шу куни чиқиб суд муҳокамасини тиклаганлиги ҳақидаги маълумотларни киритмасдан суд мажлиси баённомасини **сохталаштирганидан** сўнг, бу жиной ҳаракатини яшириш мақсадида шу куни маслаҳатхонада чиқарилган “Суд муҳокамасини тиклаш ҳақидаги **АЖРИМ**”ни ҳам **йўқ қилиб яна жиноят** содир қилдилар.

Бундан ташқари, суд муҳокамасини тиклашга ҳеч қандай асос бўлмаганлиги, судлов ҳайъати суд муҳокамасини чўзиш мақсадида (*балки иш якунидан манфаатдор бўлгандир ???*) асоссиз важ билан суд муҳокамасини тиклаганлиги суд мажлиси баённомаси билан ҳам тасдиқланиб турибди. Чунки, суд мажлиси баённомасидан 19.03.2020 йилдан то қарор эълон қилинган кун 24.05.2020 йилгача ҳеч қандай қўшимча *текшириш ўтказилмаганлиги, далиллар талаб қилинмаганлиги* кўринади.

Бундан ташқари, 19.03.2020 йил кунидаги суд мажлисида бизнинг илтимосимизга кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулк қўмитаси Экспертлар маркази директори А.Кравченко гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган бўлсада, судлов ҳайъати даъвони рад қилишга қаратилган мақсадига эришиш учун суд мажлиси баённомасига **А.Кравченкони суд мажлисида иштирок этганлиги, у сўроқ қилинганлиги ҳақидаги маълумотларни ва ўз-ўзидан унинг кўрсатувларини киритмаган, суд ажримида эса умуман муҳокама қилмаган.**

Ваҳоланки, А.Кравченко киритилган даъвони асосли эканлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судлов ҳайъатининг 19.03.2020 йил куни маслаҳатхонага кирганлигини, шу куни суд мажлисида А.Кравченко суд мажлисида иштирок этганлиги ва сўроқ қилинганлигини шу кунги суд мажлисида иштирок этган шахслар, шунингдек KUN.UZ янгиликлар канали вакили Р.Б.Рамазановлар ҳам тасдиқлайдилар.

Менинг адвокатим ушбу хатоларни бартараф қилиш мақсадида суд мажлиси баённомасига эътирознома берсада, судлов ҳайъати расмий хужжатларни сохталаштирганликлари ошкор бўлишидан кўрқиб, эътирозномани қонунда берилган муддат ўтказиб юборилганлиги важи билан рад қилди. **Эътирознома эса ўз вақтида берилган** эди.

Менинг фикримча судлов ҳайъатининг бу хатти-ҳаракатлари нафақат ЎР ИПК талаблари, балки “Судьялар одоб-ахлоқи кодекси”нинг юқорида қайд қилинган талабларига ҳам зид бўлиб, судьяларнинг бу ҳаракатлари, яъни:

- *Суд терговини номаълум далилларни талаб қилиб олиш ва текшириш зарурати юзага келганлиги важи билан асоссиз тиклаганлиги ва бошқа кунга қолдирганлиги;*
- *Бу билан суд мажлисини асоссиз чўзганлиги;*
- *Кейинчалик эса ҳеч қандай далилни талаб қилмасдан, процесс иштирокчиларига тақдим қилмасдан ва текширмасдан такроран маслаҳатхонага кириб, биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилганлиги;*
- *Ҳеч қандай асос бўлмасда далилларни қўшимча текшириш важи (баҳона) билан суд муҳокамасини янгидан бошлаганлиги*

процесс иштирокчиларида судьяларнинг холислигига, уларни адолатли қарор қабул қилишига **шубҳа уйғотишига сабаб бўлди.** (Кодекс 6-моддаси бузилди.)

Ушбу судьяларнинг ундан кейинги қуйидаги хатти-ҳаракатлари, яъни:

- *Судлов ҳайъати 19.03.2020 йил куни маслаҳатхона кирганлиги, кейин чиқиб суд терговини тиклаганлиги ва суд мажлисини 24.03.2020 йил кунига қолдирганлиги ҳақидаги маълумотларни суд мажлиси баённомасига киритмаганлиги;*
- *19.03.2020 йил кундаги суд мажлисида гувоҳ А.Кравченкони суд мажлисида иштирок этганлиги, сўроқ қилинган ҳақидаги маълумотларни, унинг кўрсатувларини суд мажлиси баённомасига киритмасдан ва бу билан расмий хужжат ҳисобланган суд мажлиси баённомасини **сохталаштирганлиги;***
- *19.03.2020 йилдаги суд муҳокамасини янгидан бошлаш тўғрисидаги **ажримни йўқ қилганлиги;***
- *Суд мажлиси баённомасидаги камчиликларга адвокат томонидан қонунда белгиланган муддатда берилган илтимоснома “баённомага эътироз билдириш муддати ўтиб кетганлиги” важи билан рад қилганлиги*

менинг судьяларнинг холис ва беғаразлигига бўлган шубҳаларимни янада мустаҳланишига ва суд органларида адолат борлигига бўлган ишончимни йўқотилишига сабаб бўлди.

Шу ўринда мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 30.06.2020 йилдаги “Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари” юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида Тошкент шаҳар иқтисодий судининг фаолиятига тўхталиб, уни салбий баҳолаб танқид қилиб бу судда ишлар сансалорликка солинаётганлиги, кўплаб қарорлар бекор қилинаётганлиги натижада инвесторлар, тадбиркорлар ва фуқаролар сарсон бўлаётганликларини айтиб ўтганликлари, менинг шикоятимдаги важларим асосли эканлигига ва

судьяларга нисбатан хизмат текшируви ўтказишга етарли сабаб бўла олади деб ўйлайман.

Мен суд ҳокимияти ва судьяларга бўлган ҳурматим, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган суд ислохотлари натижасида Олий суд ёрдамида бузилган ҳуқуқларимни тиклашга бўлган ишончим туфайли дастлаб судьяларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан шикоят ёзмасдан барча важларимни баён қилган ҳолда ЎР Олий судига назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилган эдим.

Аммо, ЎР Олий судининг судьяси И.Таджиевнинг юқоридаги қонун *бузилишларни кўриб туриб, уларни текширмасдан, судьялар томонидан суд мажлис баёномаси сохталаштирилиб, яъни суд мажлиси баённомасига гувоҳни судда иштирок этиб кўрсатув берганлиги, судлов ҳайъати маслаҳатхонага кириб сўнг суд муҳокамасини тиклаганлиги, кейинчалик бу ҳақидаги ажримни йўқ қилганлиги каби жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳолатларга умуман эътибор қаратмай* шикоятни судлов ҳайъатида кўришга ўтказишга асослар йўқлиги ҳақида қарор қабул қилиб, бизнинг шикоятимизни рад қилди. Бу билан қонунни бузган судьяларнинг айбларини яширди, уларни яна худди шу тартибда ишлашига имкон яратиб берди деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси суд тизимида, шунингдек Судьялар Олий кенгашида судья қонунни бузган бўлсада, унга зарар етмаслиги мақсадида қонунни бузганлиги ҳақидаги шикоятларни рад қилиш орқали имкон қадар **судьяни ҳимоя қилиш амалиёти мавжудлигидан** хабарим бор. Бунинг **исботини** Олий суд судьяси И.Таджиевнинг қарори орқали ҳам яна **тасдиқлаб олдим.**

Лекин, судьялар Олий кенгаши аъзолари 30.06.2020 йилдаги видеоселекторда Президентимиз томонидан билдирилган танқидлардан тегишли хулоса чиқарган, қонунни, “Судьялар одоб-ахлоқи кодекси” нормаларини бузган **судьянинг хатти-ҳаракатларини процессуал ҳаракат** деб баҳолаш амалиётига чек қўйган деб ўйлайман ва бунга ишониб қоламан.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, “Судьялар Олий кенгаши тўғрисида” ги Қонуннинг 7-моддасига асосан Сиздан:

Ушбу шикоятда келтирилган важларни тўла, ҳар томонлама кўриб чиқишни;

Шикоятда номлари қайд этилган судьяларга нисбатан хизмат текшируви ўтказган ҳолда қонуний чора кўришингизни;

Ушбу судьяларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларимни тиклашда амалий ёрдам беришингизни
С Ў Р А Й М А Н.

К.С.Бекходжаев

Илова: